

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ ПОЭТИК ОЛАМИ
МирхайдаровХ., “Адабиётшунослик” кафедраси доценти

Анор сархил мевалар ичида энг сараси, энг лаззатлиси ва энг сўлими, чиройлиси. Унинг гўзаллик жозибаси, нақшли уйларнинг тўрига зеб бериб турадиган чойшаб ва чимилдикнинг гуллари нусхасига кўчган. Айниқса, чойшабда анор навдаси эгилиб, меваси сизга салом бериб тургандай холати кўзни қувонтиради, туйғунгизга эзгулик уруғини сочади.

Анор бугунги кунда реклама ва сахна ўйинларидан ҳам муҳим ўрин олиб улгурди. “Ёшлар” телеканалида анорзор ва унинг пўстлоғидан бир тилими кесилган анорни намоёниш этиш анъанага айланди. Дарҳақиқат, анорзор манзараси ўзгача бир фасохат, бир бўлак пўстлоғи олинган анор доналарининг қирмизи рангда товланиши кўзингиз ва руҳиятингизга фараҳбахшлик ҳадя этади.

Қадимда ўйинчи қўлида доира ёки қайроқ ёхуд байт битилган белбоғни ўйнатиб хиром этарди. Қўлидаги буюм билан рақс бир-бирига уйғунлашиб кетарди. Худди шу анъананинг давомидек, эстрада раққосалари қўлида чор қирра шаклда кесилган анорни тутиб, унинг марвариддек доналарини ял-ял этказиб, хиром этиши руҳингизга жозиба бағишлайди. Бу ҳодиса инсон ҳамиша гўзалликка ошурфта эканидан далолат беради. Шу боис анор тасвири ёки ташбеҳи қадимданоқ бадий тафаккур дунёсидан муносиб ўрин олган. Ҳозирги замон шеърлятида, айниқса, Муҳаммад Юсуф шеърлярида анор поэтик образи ва детали ўзгача маъно, оҳанг ва равияда жаранглайди. Аниқроғи, унинг шеърлярида гўзаллик, эзгулик, севги-муҳаббат, инсонга ардоқ, хусусан, кадрларни кадрлаб яшаш ғояси салмоқли тош босади.

Шоир шеърлари тенгдошлари шеърлятидан фусункорлиги билан ажралиб туради. Тенгдошларининг шеърларини хос кишилар тушунса, Муҳаммад Юсуфнинг шеърлятини кексаю ёш осон англайди. Чунки унинг шеърляти

калбга якин, туйғуга тебраниш берадиган, дилни гуркиратадиган оддий, равон ва халқонадир. Агар бордию шеърхон ёки оддий кишидан “қайси шоирдан кўп шеър ёддан биласиз?” десангиз, “албатта, Мухаммад Юсуфдан” деб жавоб беради. Бордию, шоир ижодиго бағишланган тadbирда маърузачи унинг шеърини номбар қилиб, таҳлилга тортса, залда ўтирган ёшлар ўша шеърни бор овоз билан бинони жаранглатиб, ёддан айта бошлайдилар. Бу суюкли шоирнинг шеърляти суюмли эканидан, кўнгилга яқинлигидан, шеърларининг дилтортарлигидан халқ тили учидя эврилиб турган туйғуларини шеърлят “тили”га гўзал қилиб сола олганлигидандир. У жонли ва жонсиз мавжудотни бирдай севиб, хиссийетга тўлиб, туйғуларига кўчиради. Бир шеърда пешонаси йўқ лолани ўпмоқчи, “кўзи тўла ёш” жайроннинг ярасини тили билан силамоқчи шоир. Бу - калби кенг, мусаффо, севиб-севилиб яшаш, эзгуликни кундалик неъмат деб билган шоирнинг маъсуд туйғуси. Ана шу меҳр, садокат ва эзгулик асносида анор ташбеҳига гўзаллик тароватини бағишлайди. “Меҳр колур, мухаббат колур” шеърда шоира Увайсий чистонидаги анор тасвиридан мутлақо ўзгача маъно ва маромда қаламга олади. Шоира анор тимсолида ижтимоий тенгсизлик, адолатнинг оёқости бўлганини ифодаласа, Мухаммад Юсуф гўзаллик, беназир тароватни кўнглига туяди. Инсон ҳаётда қанчалик кўп аъмолларни яратмасин, у ўткинчи, борингки, барча нарса ва ходиса бебако. Фақат меҳр ва мухаббатгина бокий, абадийдир. Мана ўша сатрлар:

Анор сенинг юзларинг сулув,
Хумор сенинг кўзларинг сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,
Меҳр колур, мухаббат колур.

Шоир сулувни сулув, гўзал, моҳитобон дея мадҳ қилишдан ўзини тияди. Ўз услубига содиқ қолиб, унинг ҳусну малоҳатини поэтик образлар “тили” билан ифода қилади. Сулувнинг аргувоний лўппи юзи – анор. Сузук, ўйчан, қандайдир қарашларидаги нозик адолик – хумор. Сулуз сулувларнинг сулуви бўлмасин, бокийликка даҳлдор эмас. Агар у қалбларга эзгу меҳр, садокат, вафони туйган бўлса, угина яшашда давом этади. Кўнгилларга эзгулик сувини ичирган сулувдан меҳр ва мухаббат абадий мерос бўлиб қолади холос.

Мухаммад Юсуф анор ташбеҳига иккинчи марта “Анор” шеърда мурожаат қилган. “Меҳр ва мухаббат колур” шеърда қўллаган анор ташбеҳидан буниси кенг камровлиги, ички маъно қатламларининг миқёслиги билан ажралиб туради:

Ўзинг Анормидинг ёрим, юзинг анор,
Ҳамон сени унутолмай бағрим ёнар.
Ўттизда ҳам ўзгармадинг, оловдайсан,
Ўнг бетингдан ўпганимга ким ишонар?

Юқорида келтирганимиздек, султон Сулаймон ўз газалида завжаси Хуррам султонни “анорим” деса, Муҳаммад Юсуф ундан тубдан фарк қилган ҳолда, маҳбубасини “ўзинг Анормидинг” дея билиб-билмагандай сўрайди. Шу билан бирга тажохули орифона шеър санъати амалга ҳам ошади. Шоирнинг мазкур ибораси қўп маъноли. Биринчидан, севгисига эришолмаган маҳбубасининг исми Анор, иккинчидан, “ўзинг Анормидинг” дейишида ҳам савол, ҳам таърифу тавсиф бор. Орадан ўттиз йил муддат ўтган, ҳамон унинг ҳусну малоҳатида ўзгариш сезилмайди. У олов каби яшнаб турибди. Ҳусну малоҳати анордай – чўғ. Маҳбуба гўзаллигининг ўзгармаган ифори мантиқан анор ташбеҳига ўта мосдир. Анор, биринчидан, кобиқда, иккинчидан, парда ичида ўзининг моҳиятини йўқотмайди.

Шоир “ўзинг Анормидинг” ташбеҳини янада кучлантириш, янада тиниклаштириш мақсадида “юзинг анор” истиорасини қўллаб, маъно қатламини кенгайтирган. Бу фикр ружуъ санъатида амалга ошган.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, анор ташбеҳи давр билан боғлиқ ҳолда, санъаткор услубидан келиб чиқиб, турфа маъно-моҳиятни ифодалашда хизмат қилган. Аммо Муҳаммад Юсуфнинг анор ташбеҳи ҳеч кимникига ўхшамайди. Унда алоҳида бир жозоба ва тароват бор.